ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ—ЖАНГОВАР ПРОГРАММАМИЗ

КПСС XXIII съезди ҳисоблайдики, янги беш йиллик план жамиятимизнинг коммунистик қурилиш йўлидан анча олдинга силжишини, моддий-техника базасининг янада ривожлантирилишини, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини янада мустаҳкамлашни таъминлаши лозим. Фан ва техника муваффақиятларидан ҳар томонлама фойдаланиш, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни индустриал ривожлантириш, унинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида саноатни янада анча ўстиришни таъминлашни, қишлоқ хўжалигини доимий тез суръатлар билан ривожлантиришни ва шу туфайли халқ турмуш даражасини анча юксалтиришга, барча совет кишиларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондиришга эришишни партия беш йилликнинг асосий иқтисодий вазифаси деб билади.

(КПСС XXIII съезди Директиваларидан)

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 74 (3302). | Чоршанба, 13 апрель 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ОБЛАСТЬ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

Суратда: Янгийўлдаги «Коммунизм» колхозининг комплекс механизациялашган звеноси бошлиғи ўртоқ Маҳфуза Саидвалиева. Унинг звеноси деҳқонлари чигит экишни районда биринчилар қаторида тугаллашга муваффақ бўлдилар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институтида химиялаштириш бўйича экспонатлар, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликлари бўйича коллекциялар ташкил этилган. Бу экспонат ва коллекциялар агротехника ўқувини намуналн ташкил этишда катта аҳамиятга эга бўлиши. Мана бу суратда институт кўргазмали буюмлар бўлимининг техниги ўртоқ Малика Азимовани кўриб турибсиз. У экспонатлар тайёрлашга катта ҳисса қўшаётти.

Р. Отажонов фотоси

Муборак Юнусхўжаева Тошкент Давлат университети шарқ факультетини муваффақиятли тугатгач, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. У тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олди. Ҳозир у Ўрта Осиёнинг тарихи бўйича илмий ишлар олиб бормоқда. Суратда: Олима М. Юнусхўжаева иш устида.

«Узгоспроект» лойиҳалаш институтининг тажрибали архитекторларидан бири ҳисобланган Ю. Зокирова бир неча лойиҳаларнинг авторидир. У ҳозир Қарши шаҳрида қуриладиган театр лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Суратда: ўртоқ Ю. Зокирова.

А. Палехов фотолари.

Самовий парвознинг беш йиллиги

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

МОСКВА, 12 апрель (ТАСС мухбири). Ой сунъий йўлдошидан бугун эшиттирилган партия гимни — «Интернационал» Кремлдаги Съездлар саройида Космонавтика кунига бағишланган тантанали йиғилишнинг бошланганлигидан дарак берди.

Залда ҳозир бўлган Москва жамоатчилиги вакиллари орасида совет космик кемаларни яратаётган олимлар ва мутахассислар ҳам кам эмас. Бу ерда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, байрам қаҳрамонлари—космонавтлар, КПСС XXIII съезднинг делегатлари ва меҳмонлар ўтирибдилар.

Йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев очди.

Тошкент азиз меҳмонларни табриклямоқда

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Ҳиндистон ва Цейлон Компартияларининг КПСС XXIII съезди ишида қатнашган вакилларини азиз меҳмонлардек хушнудлик билан қабул қилмоқдалар.

Қардош партияларнинг вакиллари 12 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов билан суҳбатлашдилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан қизиқиб танишдилар. Улар Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг биносида бўлдилар. Тошкент Декларацияси шу ерда имзоланган эди. Ҳиндистон ва Цейлон Компартияларининг раҳбар ходимлари Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари учрашган зални, музокаралар олиб борилган тўгарак столни кўздан кечирдилар.

Меҳмонлар шу куни Ўзбекистон адиблари билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР САРИ

КПСС XXIII съезди бутун совет халқи ҳаётида, Коммунистик партиямиз тарихида, тараққийпарвар инсоният, жаҳон социалистик кучлари фаолиятида ғоят катта ва тарихий воқеа бўлди. Съезд халқимизнинг ижодий ва яратувчилик, фидокорона ва қаҳрамонона ишларига якун ясади, коммунистик қурилишнинг ҳозирги даврдаги асосий вазифаларини белгилаб берди. Унинг қарорларида, докладлар ва нотиқларнинг сўзларида Коммунистик партия раҳбарлигида Совет давлатининг куч ва қудрати янада ошганлиги, партиямиз ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан янада мустаҳкамланганлиги, мамлакатимиз ҳаётида коммунистларнинг авангардлик роли ва ташкилотчилик қобилиятлари тобора ўсиб бораётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Партиямизнинг XXIII съезди Совет давлати ички сиёсати ва хўжалик фаолиятининг янги беш йилликка мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб берди, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада ошириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ўстириш ва Ватанимиз мудофаа қувватини бундан ҳам мустаҳкамлаш вазифаларини олдимизга қўйди. Бу съезд коммунистик қурилиш йўлида олга боришнинг кенг истиқболларини, улкан ва ҳаётий йўлларини очиб берди. КПСС XXIII съезди қабул қилган янги беш йиллик план коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда муҳим босқич бўлади.

Съездда белгиланганидек, янги беш йиллик планнинг асосий иқтисодий вазифаси фан ва техниканинг муваффақиятларидан ҳар тарафлама фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, саноатни янада юксалтириш, қишлоқ хўжалигини тобора равнақ топтириш асосида халқ турмуши шароитларини юксалтира бориш ва аҳолининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўла қондиришдан иборатдир.

Совет халқи, жумладан областимиз меҳнаткашлари шонли партиямизнинг XXIII съезди қарорларини ғоят хурсандчилик билан қизғин кутиб олдилар. Съезд муҳокама қилган масалалар ва белгиланган вазифалар ҳар бир ишчи ва колхозчини, интеллигент ва барча меҳнат аҳлини янги зафарларга — кураш, ижод, яратувчилик ишларига сафарбар этмоқда. Съезд кунлари бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қанот ёйган умумхалқ социалистик мусобақаси шу кунларда ҳам қудратли тўлқин каби мавж урмоқда. Янгидан-янги ғалабаларга етакламоқда.

Партия XXIII съезди бўлиб ўтган йил — беш йиллик планнинг дастлабки йили саноатда, қишлоқ хўжалиги ва маданий қурилишда янги муваффақиятлар, қувончли натижалар йили бўлмоқда. Областимиз саноат корхоналарининг ходимлари биринчи квартал планини муваффақиятли бажариб, галдаги муҳим ва масъулиятли ишларга бел боғладилар. Улар партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига жавобан саноат маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқаришга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва резервлардан янада унумли фойдаланиш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Колхоз ва совхоз далаларида иш қизғин. Пахтакорлар бу йил ҳам улкан хирмон кўтариш учун ғайрат ва шижоат билан ишламоқдалар. Кўпчилик колхозлар ва совхозлар, айрим районлар чигит экиш планини бажардилар. Эрта-индин областимизда чигит экиш тугалланади. Барвақт экилган ерларда чигит бир текис униб чиқа бошлайди.

Халқ хўжалигимизнинг барча соҳаларида миллионларнинг фидокорлиги, ғайрат ва ташаббуси жўш урмоқда. Улар бир мақсад, бир истак ва юксак кўтаринкилик билан: КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширамиз, беш йиллик планни муддатидан илгари адо этамиз, деган шиор остида ишламоқдалар. Партия ташкилотлари халқимизнинг битмас-тугаймас ижодий меҳнатини янада кенг қанот ёйдиришлари ва уларни олдимизда турган улуғвор вазифаларни шараф билан бажаришга сафарбар этишлари лозим.

Съезд қабул қилган Резолюцияда саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳамда маданий қурилиш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатиб берилди ва бу камчиликларни тугатиш йўллари белгиланди. Партия, совет ва хўжалик ташкилотлари ишлаб чиқариш тармоқларини марказлаштирилган тартибда бошқаришга, хўжаликка раҳбарлик қилишда иқтисодий методларнинг ролини оширишга, планлаштиришни тубдан яхшилаш, корхоналар коллективларининг хўжалик мустақиллигини ва ташаббускорлигини ошириш, уларнинг ўз иш натижаларидан моддий манфаатдорлигини кучайтириш, шу мақсадда иқтисодий снёсат принципларини изчиллик билан ўтказишга, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини амалга оширишга алоҳида эътибор беришлари лозим. Шуни айтиш керакки, ўтган йиллари областимизнинг бир неча саноат корхоналари йиллик планларини бажармадилар. Бунинг натижасида халқимизга етарли миқдорда саноат маҳсулотлари етказиб берилмади. Янги беш йилликда бу нуқсонларга қатъий барҳам беришимиз, барча корхоналарнинг бир меёрда унумли ишлашига эришишимиз лозим.

Областимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари деҳқончилик маданиятини оширишда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда, айниқса қишлоқ хўжалигида механизацияни кенг жорий этишда бирмунча қувончли натижаларга эришдилар. Лекин ҳали шундай хўжаликлар борки, улар ҳосилдорлик жиҳатидан областимизнинг умумий кўрсаткичларидан жуда ҳам орқада қолмоқдалар. Бу эса областда пахта, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга салбий таъсир этмоқда. Съезд қарорларида ва беш йиллик план Директиваларида ҳосилдорликни ошириш ва бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўплаб етиштириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари бу масалага жиддий эътибор беришлари лозим. Шу кунларда олдимизда турган асосий вазифа чигитни қисқа муддатларда юқори сифатли қилиб экиб олиш ва унинг дастлабки парваришини бошлаб юборишдан иборатдир.

Партиямиз XXIII съезди белгилаган вазифалар — коммунистик қурилишнинг жанговар программасидир: Съезд қарорларининг бажарилиши Ватанимизни янги юксакликларга кўтаради, халқ фаровонлигини янада яхшилайди. Шунинг учун партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари КПСС XXIII съезди қарорларини ҳар бир меҳнаткашга етказишлари, унинг туб мақсад ва моҳиятини, буюк режалари ва истиқболларини тушунтириб беришлари, бу соҳада агитация ва пропаганданинг барча метод ва усулларидан фойдаланишлари лозим. Шунга эришайликки, партиямиз қарорлари, янги беш йиллик Директивалари ҳар бир соҳада, ҳар бир коллектив ҳаётида янги зафарларга илҳомлантрувчи буюк восита бўлсин.

Съезд қарорларининг амалга оширилиши партия ва халққа янги истиқбол, тараққиёт ва ривожланиш, фаровонлик йўлларини очиб беради. Халқимизнинг бутун куч ва ғайратини КПСС XXIII съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этайлик!

ГЕКТАР ТЎЛА, КЎЧАТ БУТ БЎЛАДИ



Ўрта Чирчиқ районидаги илғор колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари бу йил чигит экишга анча барвақт киришиб кетган эдилар. Ҳозир улар бу муҳим ва масъулиятли мавсумни якунлаёздилар. Суратда: райондаги «Коммунизм» колхози даласида чигит экиш пайти.

А. Абалян фотоси.

Шу кеча-кундузда колхозимиз пахта далаларида мўл ҳосилга мустаҳкам замин тайёрлаш йўлида қизғин кураш олиб бориляпти. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезднинг Директивалари деҳқонларимизнинг ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Улар Директиваларда кўрсатиб ўтилганидек, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришнинг асосий йўли барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, шу мақсадда деҳқончилик маданиятини янада яхшилаш, иложи борича ердан унумли фойдаланиш учун зарур бўлган тадбирларни изчиллик билан амалга оширишга бел боғлаганлар.

Ўтган йили хўжалигимиз аъзолари 900 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25,9 центнердан хирмон кўтариб, бу соҳадаги планни 106,1 процент бажарган эдилар. Техника етарли, химиявий озуқалар ўз вақтида етказиб бериб турилган ҳозирги вақтда ўтган йили олинган ҳосилни талабга жавоб берарли, деб бўлмайди. Ўз меҳнатларидан ўзлари моддий манфаатдор эканликларини яхши тушунган пахтакорларимиз бу йил катта марраларни кўзлаб иш тутмоқдалар. Улар йил бошиданоқ гектаридан олинадиган ҳосилдорликни камида 3-4 центнерданга оширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Иш бошидан пухта бўлса, деҳқончиликнинг ҳар бир рисоласига тўғри амал қилиб борилса, дала қолмайди киши. Биз худди ана шундай қилмоқдамиз. Буни пахтакорларимиз ҳозиргача бажариб келган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Деҳқончилик маданиятини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида 20 минг кубометрга яқин мелиорация ишлари бажарилди. Ҳозирда-ноқ сув камоп ерларга тўртта насос ўрнатиб қўйилди. Шудгорлаш ва ҳозир экиш олдидан ерга солаётган маҳаллий ўғитлардан ташқари гўзанинг амал олиши ва парвариш қилиш даврида солишга мўлжаллаб етарли миқдорда озуқа жамгариб қўйилди. Барча ички суғориш шохобчалари сув равон оқадиган ҳолга келтирилган. Биз гектар тўла, кўчат бут бўлади, дедик. Зеро ҳосилдорликни оширишнинг энг зарур омилларидан бири ана шу. Карталар ўртасидаги бефойда, меваси дарахтлар олиб ташланди. Илгари нўстдумбага чиқиб ётган карта чеккалара текисланиб, экин майдонига айлантирилди. Шу жойлар ҳам илгари планга кирар эди. Эндиликда бўлса, салкам ўн гектар ер ички резервлар ҳисобидан кўпайди.

Пахта майдонлари сифатли борона қилинганлиги, чизель ўтказилиб, бегона ўтлар илдизидан батамом тозаланганлиги натижасида ерлар текис, тупроғи майин бўлиб қолди. Бу ўз навбатида чигит экишни жадал ва соз ўтказиш имкониятини берди.

Механизаторларимиз ўзлари ер хўжайинлари—звено бошлиқлари бўлганликлари учун ҳосил тақдирига жавобгар эканликларини яхши тушунганлари ҳолда, ҳали айтганимиздай ишни бошидан пухта қилишга, мўл ҳосил ургини сифатли экиб олишга катта эътибор бердилар. Улар бир қарич ҳам ерни бўш қолдирмаслик, чигитни мўлжалга тушишини таъминлаш йўлида жон қуйдирдилар. Чунки улар чигит белгиланган нормада, бехато ерга қадалган тақдирдагина гектар тўла, кўчат бут бўлади, деган тажрибакор деҳқонларнинг қимматли маслаҳатлари тўғри эканлигини бир неча йилдан бери экиш жараёнида синаб кўрганлар.

Колхозимизда ташкил этилган 19 та комплекс механизациялашган звеноларнинг ҳаммасида ҳам чигит экишни муваффақиятли тамомлаш йўлида астойдил енг шимариб меҳнат қилинди. Ўтган йили ҳар гектар ердан 32, 35 центнердан ошириб ҳосил олинишини таъминлаган Найим Юсупов, Ҳолмирза Парпиев, Эргаш Умиров, Мирза Одиров ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари бу йил 35—40 центнерданни мўлжалга олиб, шу мақсадга эришмоқ учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Бу звеноларда ўтган йилгидек бу йил ҳам чигит экиш колхозда биринчилар қатори сифатли тамомланди.

Эндиги вазифа бундан буён мўл ҳосил учун бошланган курашни изчил давом эттиришдан иборат. Бунинг учун биз барча майдонларда чигитни бир текис ва бехато, тупроқнинг ўз намига ундириб олиш тадбирларини кўрмоқдамиз. Шу билан бир қаторда культиваторларни созлаб, сувчиларни шайлаб гўзанинг биринчи парваришига пухта тайёргарчилик кўрмоқдамиз.

Хўжалигимиз уч-тўрт йилдирки, қолоқликдан чиқиб қаддини ростлаб олди. Энди биз мана шу тўғри йўлдан оғишмай борамиз, беш йиллик план юзасидан КПСС XXIII съезди белгилаган улкан режаларни амалга ошириш йўлида бошланган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиб, хўжалигимизни илғор хўжаликлар даражасига етказиб олиш учун курашамиз. Колхозимизнинг каттадан-кичиги ана шу эзгу мақсад йўлида илгари қараб дадил қадам ташлаб бормоқда.

У. ҲАСАНОВ,
Янгийўл районидаги Собир Раҳимов номли колхоз раиси.

Бутун «Қизил Ўзбекистон» колхозининг маданият саройида область хотин-қизларининг IV конференцияси очилади. Бу ерга саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият соҳасида фидокорона хизмат қилаётган илғор, ташаббускор хотин-қизлар, муҳтабар оналаримиз, яқиндагина ўз ишини тамомлаган КПСС XXIII съездида делегат бўлиб қатнашиш шарафига муяссар бўлган ҳурматли опа-сингилларимиз келадилар. Улар қилинган ишларга якун ясайдилар, галдаги вазифаларни белгилаб оладилар.

Конференция ажойиб кунларда ўтмоқда. Партиямизнинг XXIII съезди мамлакатимизда коммунизм қуришнинг буюк программасини белгилаб берди. Бутун совет халқи қатори областимиз хотин-қизлари ҳам съезд қарорларини амалга ошириш учун ғайрат ва ташаббус билан ишга киришдилар. Улар областимиз экономикасини янада ривожлантириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини тез суръатлар билан ўстиришга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Яқинда областимизнинг кўпгина чорвадорлари орден ва медаллар билан мукофотландик. Уларнинг анчагина қисмини сут булоғини яратаётган, аҳолига мўлкўл гўшт ва бошқа чорва маҳсулотлари етказиб бериш учун курашаётган илғор чорвадор хотин-қизлар ташкил этади.

Республикамиз хотин-қизларининг навбатдаги съезди яқинлашмоқда. Область, шаҳар ва районларда ўтказилаётган хотин-қизлар конференцияларида бу съездга делегатлар сайланмоқда. Коммунизмнинг актив қурувчилари, ҳаётимиз гуллари — ажойиб хотин-қизларимизга катта муваффақиятлар тилаймиз.

БИЛДИРИШ

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг X чақириқ VI сессияси шу йил 15 апрелда эрталаб соат 11 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

Шаҳар Совети ижроия комитети сессия кун тартибига қуйидаги масалани киритади:

Шаҳарда жамоат тартибини сақлашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида.

Депутатлар 15 апрель куни ўша жойда эрталаб соат 10 дан рўйхатга олинадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

ОБЛАСТЬ ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ ҚУРУВЧИЛАРИ

КАТТА ТАЯНЧ

Областимиз халқ хўжалиги йил сайин юксалиб бормоқда. Саноатда бўлсин, қишлоқ хўжалигида бўлсин кейинги йилларда эришаётган ютуқларимиз анча салмоқли. Етти йиллик марраларини шараф билан эгалладик. Бу ютуқларни қўлга киритишда областимиз хотин-қизлари катта роль ўйнадилар.

Хотин-қизларнинг меҳнат фаолияти ва активлигини оширишда ўтган йил апрель ойида тузилган область хотин-қизлар Советининг аҳамияти катта бўлди. Область хотин-қизлар Совети ўтган бир йил мобайнида хотин-қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларни актив ижодий меҳнатга жалб қилишда бирмунча ишларни қилди. Калинин районидаги «Назарбек» совхози хотин-қизлар Совети иши атрофлича ўрганилди. Бу ерда хотин-қизлар маданият университети ташкил этилди. Шунингдек Юқори Чирчиқ районида хотин-қизларга маданий-маиший шароит яратиб беришнинг аҳволи ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Оққўрғон районида болалар муассасаларининг аҳволи текширилди. Чирчиқ электрохимил комбинати хотин-қизлари ўртасида маданий-оммавий ишларнинг аҳволи ўрганилиб, амалий ёрдам берилди.

Областимизнинг шаҳар ва районларида, корхоналарда, колхоз ва совхозларда қариб 1473 хотин-қизлар Совети ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилиги ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақият билан адо этяпти. Октябрь, Киров, Куйбишев районларида ташкил этилган хотин-қизлар Советлари, шунингдек Янгийўл, Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар Советлари иши таҳсинга лойиқ. Мазкур Советлар хотин-қизларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, болаларни тарбия қилишда район партия комитетларига яқиндан ёрдам беришмоқда. Мактабгача болалар муассасалари, боғчалар, кўпдан узайтирилган группалар иши мазкур Советларнинг диққат-эътиборида. Ўтган йил соғломлантириш кампаниясида хотин-қизлар Советларининг аъзолари пионер лагерларига яқиндан ёрдам бердилар. Кўплаб рейдлар ва қишлоқ жойларида оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга қаратилган текширувлар ўтказилди.

Олмалиқ шаҳар хотин-қизлар Советининг иши анча ибратли. Бу ерда 61 та хотин-қизлар Совети ишлаб турибди. Ҳисобот даврида икки марта корхона ва муассасаларда ташкил этилган хотин-қизлар Советларининг семинари ўтказилди. Маиший хизмат корхоналарини текширишди, камчиликларни бартараф этишда кўмаклашишди. Мис эритиш заводи, темир йўл устахоналари, Қалмоққир кони ва мебель фабрикасидаги хотин-қизлар Советлари, айниқса, актив иш олиб бормоқдалар. Қалмоққир кони хотин-қизлар Совети мактаблар билан мустаҳкам алоқа боғлаган.

Янгийўл шаҳар хотин-қизлар Советининг халқаро хотин-қизлар куни — 8 марта бағишланган «Голубой огонек» кечаси айниқса кўнгилли ўтди. Шаҳардаги гидролиз заводи, ғишт заводи, пойафзал фабрикаси, нон заводи, ёг-мой комбинати ва бошқа корхона, муассасаларди хотин-қизлар Советлари сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришда бошланғич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу ташкилотлардаги хотин-қизлар Советларининг аъзолари цех партия, касаба союз ташкилотлари билан ҳамкорликда турли текширувлар ва рейдлар ўтказишмоқда. Хотин-қизларнинг ишдаги, онладаги аҳволи билан танишиб, уларга лозим бўлган ёрдамни беришяпти. Аёлларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун имкониятлар яратиб беришга қаратилган бирмунча тадбирларни амалга оширишди.

Ўрта Чирчиқ район хотин-қизлар Совети ташкил этган саломатлик университети иши аҳолига манзур бўлмоқда. Бу университет аъзолари Терешкова, Свердлов номли колхозларда болалар тарбиясига бағишланган кечалар ўтказдилар. Янгийўл район хотин-қизлар Советлари томонидан ташкил этилган маданият университетлари ҳам яхши ишламоқда. «Партия XXI съезди» колхозида ташкил этилган хотин-қизлар маданият университетига 25 аёл қатнашади. Бу университетда бичиш-тикиш тўгараклари ташкил этилган.

Областимиздаги хотин-қизлар Советлари ўз озодлиги учун курашаётган Вьетнам хотин-қизлари ва гўдакларига ёрдам фонди учун маблағ тўпладилар. Биргина «Қизил тонг» фабрикаси хотин-қизлари ёрдам фонди ташкил этиб, Вьетнам болаларига бир контейнер кийимбош юбордилар. Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон районлари, Олмалиқ шаҳри хотин-қизлар Советлари вьетнамлик болалар учун кўплаб совғалар юбордилар.

Шу йилнинг февраль, март ойларида областимизда хотин-қизларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. 1742 ташкилотда бўлиб ўтган хотин-қизлар йиғилишларида 200 мингдан ортиқ аёл қатнашди. Шаҳар ҳамда район хотин-қизлар конференцияларида 9200 аёл иштирок этди. Йиғилиш ва конференцияларда «Коммунистик қурилиш ишида хотин-қизларнинг иштироки» деган масала кўриб чиқилди. Хотин-қизлар Советларининг янги состави сайланди. Бўлиб ўтган конференцияларда областимиз хотин-қизларининг партия қарорларини бажаришда катта куч эканлиги яққол намоён бўлди. Коммунистик қурилиш ишида аёлларимизнинг муносиб ўрни борлиги ва уларнинг фидокорона меҳнати таъкидлаб ўтилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Ҳамма район ва шаҳарларда ташкил этилган хотин-қизлар Советлари ҳам кўнгилдагидек ишлаяпти деб бўлмайди. Ташкил этилган маданият ва соғлиқни сақлаш университетлари иши ҳозирги талаблар даражасида эмас. Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш қониқарли эмас. Уларга маданий-маиший шароит тўла яратиб берилмаган. Юқори Чирчиқ, Бўка ва Бекобод районларида бўлиб ўтган конференция ва йиғилишларда хотин-қизлар ҳали ҳам эскилик сарқитлари учраб туришини айтдилар. Партия, совет ва жамоат ташкилотлари хотин-қизларнинг ҳаққоний талабларини қондиришлари ва уларнинг коммунистик қурилиш ишида иштирок этишларини таъминлашлари лозим. Хотин-қизларга нотўғри муносабатда бўлиш ҳоллари кескин қораланмоғи керак.

КПСС XXIII съезди бутун халқимиз олдига янги вазифалар қўйди. Бу вазифаларни ҳал қилишда хотин-қизлар актив курашдилар. Мамлакатимиз хотин-қизлари билан бир қаторда областимиз аёллари ҳам беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун куч ва ғайратларини аямай сарфлайдилар, Коммунизм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Х. СОДИҚЖОНОВА.
Область партия комитетининг инструктори, область хотин-қизлар Совети раисининг ўринбосари.

Суратда: Поликлиниканинг бош врачи Т. Файзиева (чапдан биринчи) медицина ходимлари Х. Қосимбоева, М. Новоселова ва Б. Дўсматова ўртоқлар билан суҳбатлашмоқда.

А. Абалян фотоси.

МИННАТДОРМИЗ

Тожи опа врачнинг гапларини диққат билан тингларди.

— Гапингизда жон бор, — деди бош врач. — Таклифингиз ўринли таклиф. Поликлиникамизда глаукамотоз кабинети очсак яхши иш қилган бўламиз. Бунга район соғлиқни сақлаш бўлимидагилар ҳам йўқ дейишмаса керак.

Врач Ж. Бакирова хонадан хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

«Ахир, ҳар бир бемор бу ерга ўз дардимга шифо топай деб келади-ку! Тўғриси ҳам шу. Бундай кабинетимиз йўқлиги учун тунов куни икки беморни ТошМИга юбортирган эдик. Мана бугун ҳам яна бир беморга ноилож шундай деб жавоб беришга тўғри келди. Ким билади, бундан кейин ҳам глаукамотоз билан оғриган кишилар поликлиникамизга даво истаб келар... Албатта, уни очишимиз керак...» Бош врач қатъий қарорга келди.

Тожи опа эртасигаёқ врачларни тўплаб, шу ҳақда фикрлашди.

— Мана, сизлар ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлаяпсизлар, — деди бош врач йиғилишга якун ясаркан, — Бизда янги кабинет очиш учун ҳамма имконият бор. Мутахассислар ҳам етарли. Ҳамма гап, район соғлиқни сақлаш бўлимидан рухсат олиб, ишга киришишга қолди.

Врачларнинг таклифи маъқулланди. Район соғлиқни сақлаш бўлими поликлиникада янги кабинет очиш учун қўшимча маблағ ажратди. Глаукамотоз ички кўз касаллиги бўлганлиги ҳисобга олиниб, поликлиникага малакали мутахассислар ишга юборилди.

Ҳа демай 9-поликлиника ҳузурида янги кабинет ишга тушди. Бу пойтахтнинг Октябрь районида ташкил этилган биринчи кабинет бўлди. Шу учун ҳам у район бўйича даволаш марказига айланиб қолди.

Ишонч поликлиника врачларига қанот берди. Кабинет иши яхши йўлга қўйилди. Вақт ўтиши билан ишонч тўла оқланди.

Шу орада бу дарғохни диспансерли поликлиникага айлантириш тўғрисида кўрсатма берилди. Шу сабаб бўлдию, поликлиникада яна 2 та янги кабинет очиш лозим, деб топилди. Янги лаборатория ҳам ишга тушди.

Эндиликда у кўп профилли поликлиника бўлиб қолди. Лабораторияларда анализлар қилинадиган бўлди. Диагноз қўйиш яхшиланди. Ҳатто клиник ва биохимия бўйича тадқиқотлар ҳам олиб борила бошланди.

Ташаббускорлар поликлиникаси энди райондаги 51 минг аҳолига медицина хизмати кўрсатадиган бўлди. Бундан ташқари жойларда унинг янги медицина пунктлари очилди. Тошкент маданий-оқартув техникуми ва Узбекистон трактор йиғув заводидаги медицина пунктлари поликлиника ихтиёрига берилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси фақат кейинги икки йил ичида амалга оширилди.

Сизга айтсак, унинг мақтаса арзигулик биографияси бор.

Мана бу мисолга бир эътибор қилинг-а! Аслида, поликлиника 1924 йилда иш бошлаганди. Ушанда у кичик бир амбулатория эди. Бор-йўғи бир врач ва бир фельдшер ишларди. Ҳозир-чи?! Ҳозир бу ерда 150 медицина ходими аҳоли сиҳат-саломатлиги йўлида фаол меҳнат қиляпти.

Ана шу ишчан ва тадбиркор коллективга тажрибали врач Тожи опа Файзиева бошчилик қилиб келмоқда. Ғайратли ва ташаббускор бу аёл ҳеч ҳам тиниб тинчимайди. Беморлар билан суҳбатлашади, врачларга қимматли маслаҳатлар беради. Жойларда бўлиб, медицина темаларида мазмунли лекциялар ўқийди. Шунинг учун ҳам поликлиника хизмат қиладиган территория аҳолиси уни жуда ҳурмат қилади, «ўзимизнинг Тожихон опамиз» деб эзозлайди.

Бундай миннатдорчилик сўзларни коллектив номига келаётган хатлардан ҳам ўқиш мумкин. Поликлиникага қатнаб даволанган отахон А. Гулмуҳамедов мана бундай деб ёзади: «Мен дард кўрмагандек бўлиб соғайиб кетаман, деб ўйламаган эдим. Йўқ, кутилганидан ҳам зиёд бўлди. Барака топгур врачлар дардимга малҳам топишди. Энди жуда соғман. Оила аъзолари номидан сиз шифокорларга миннатдорчилигимни яна бир бор изҳор қиляпман...»

Эл ҳурматини қозонишдан ортиқ бахт борми ўзи! Халқ сиҳат-саломатлиги учун бел боғлаган поликлиника ходимларининг жўшқин ва фахрли меҳнатини кўриб ёзувчи Максим Горькийнинг қуйидаги сўзларини яна бир бор такрорлагинг келади. «Инсоннинг кўнгли тўлмайди, тинмайди. Унинг яхши фазилати шу!»

А. АЛИЕВ.

ЗУҲРА—ШАХТЁР

Бир минг тўққиз юз қирқ учинчи йилнинг куз кунларидан бирида учинчи шахта конторасига ўрта бўйли, хушрўйгина қиз кириб келди.

— Шахтёр бўлмоқчиман, — деди у кадрлар бўлими бошлиғига мурожаат қилиб.

— Уддасидан чиқа оларми-кансан, — иккиланди кадрлар бўлимининг бошлиғи қизга бошдан-оёқ разм солиб чиқаркан.

— Албатта уддасидан чиқаман, ишонаверинг, — дадил жавоб берди қиз.

Шу кундан бошлаб Андижоннинг узоқ қишлоғидан келган ўн етти ёшли қиз Зуҳра шахтёрларнинг қийин ва лекин шарафли меҳнатига меҳр қўйди.

Дастлаб уни лебёдкачи қилиб тайинлашди. Зуҳра қисқа вақт ичида меҳнатсевар, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, уддабурро қиз эканлигини кўрсатди. Шундан сўнг у бир қанча вақт ҳисобчи бўлиб ишлади. Лекин бу ишлар Зуҳрани сира қаноатлантирмади. У ҳақиқий шахтёр бўлишни орзу қиларди. Шунинг учун шахтага тушиб ишлашига рухсат беришларини сўради.

Бир минг тўққиз юз қирқ саккизинчи йили Зуҳра биринчи бор конга тушди. Дастлабки кунларнинг ғайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қила бошлади. Зуҳра беш йилдан ортиқ вақт шахта забойларида откаткачи бўлиб ишлади. Шу билан бирга у ўқиб-ўрганишни ҳам давом эттирди. Беш йил ўтгач, Зуҳра портлатувчилик касбини эгаллади ва бу вазифада олти йилдан ортиқ ишлади.

Бундан 8 йил муқаддам у кўтарма крани машинистлиги касбини эгаллаб олди. Зуҳра ҳозирги кунда ҳам ана шу касбдаги участкада меҳнат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Зуҳра Каримова тўққизинчи шахтанинг ишлаб чиқариш илғорларидан ҳисобланади. У коллектив ўртасида катта обрўга эга. Ҳамма уни ҳурмат қилади. Зуҳра ёш шахтёр қизларга ғамхўр ва меҳрибон, ўз тажрибасини уларга қунт билан ўргатади, маслаҳатлар бериб туради.

Зуҳра Каримова анча вақтгача шахта хотин-қизлар Совети аъзоси сифатида жамоатчилик ишларини олиб борди. Ҳозир ҳам у актив агитатор, жамоатчи сифатида хотин-қизлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боради.

Бундан тўрт йил илгари Зуҳра ҳаётида катта воқеа рўй берди. У жонажон Коммунистик партиямизга аъзо қилиб қабул этилди. Эндиликда у Ленин партиясининг аъзоси, ҳар қачонгидан ҳам ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Кўпчиликка ўрнак бўлиб, эл ҳурматини қозонмоқда.

Шахтёр аёл Зуҳра Каримованинг бундан кейинги ишларига янада муваффақиятлар тилаймиз.

Е. ГОДОВИКОВ.
Оҳангарон шаҳри.

ОПА-СИНГИЛЛАР

Аёлларимиз ҳар соҳани мукаммал эгалламоқдалар. Сиз пастдаги суратларда турли касб эгаларини кўриб турибсиз. (чапдан биринчи) М. Маҳсудова ва М. Аҳмедова ўртоқлар геологлар. «Тошкент геология» Тошкент трестида ишлашади. Улар экспедиция вақтида олинган минерал тошларни ўрганмоқдалар. Қундуз Тожибоева Тошкентнабель заводида 15 йилдан буён фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Суратда: ўртоқ Қ. Тожибоева (ўртада). «Узсельхозтехника»нинг Қўйлик ремонт-механика заводи қишлоқ хўжалик машиналар тайёрлаб беради. Шу билан бирга бу корхонада трактор ва бошқа механизмларнинг двигателлари капитал ремонтдан чиқарилади. Четдаги сурат, (чапдан ўнгга) Мамлакат Умаралиева ва Фанна Шафикова ўртоқлар бу соҳада ҳамма вақт топшириқни ортиғи билан бажариб келадилар. Заводнинг бу илғор ишчиларидан ҳар қанча ўрнак олса арзийди.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

Ҳозиргина гувиллаб турган станоклар бир дақиқа тинди. Биринчи смена тугаб, иккинчи смена бошланди. Қиз-жувонлар ўз ўринларини сменадошларига бўшатишди. Цехга уч қиз қириб келди. Булар опа-сингил Насиба, Munаввара ва Назира Ҳакимжоновалар эди. Иш қийимлари ўзларига ярашган бу қизларнинг серкокил сочлари турмакдаб қўйилган. Енглари шимарилган. Улар ўз станоклари ёнига келишди. Айрим узелларни бирбир синчиклаб кўздан кечиришди. Ғалтакларни айлантириб ўзилган ипларни улашди.

Мана, энди иш бошласа бўлади. Munаввара кнопкани босган эди ўнлаб урчуқлар ҳаракатга келди. Munавваранинг станогидан чиқаётган овозга бошқа станоклар ҳам жўр бўлиб, қандайдир жозибали қўшиқдек цех бўйлаб янграб кетди. 40 дан ортиқ қиз-жувон станоклар ишини сергаклик билан кузатиб туришибди. Уларнинг юз-кўзларида табассум. Дилдаги яйраши меҳнат завқидан...

Munаввара бундан тўрт йил олдин опаси Насиба билан «Учқун» фирмасининг биринчи филиалига келди-ю маҳлиё бўлди-қолди. Тўқув ўрув станокларининг бир меёрда ишлаши, қалава-қалава ипларнинг ғалтакларга бир зумда ўралиши, станоклардан дарё тўлқинлари каби мавжланиб чиқаётган ипак шнурларининг жилваланиши уни мафтун этган эди. Ушанда қалбида шу станокларда ишлаш орзуси туғилгандир. Унинг кўзларида ёлқинланаётган учқунлар шу касбга тушган илк меҳр учқунларидир балки...

Шу-шу Munаввара фирманинг шнур ўриш цехида ҳунар ўрганабошлади. Кўп ўтмай Munавварага «40-класс» ўрув машинасини бошқаришга рухсат берилди. Опасидан ўрганган бутун тажрибасини энди мустақил синаб кўриш пайти келган эди. Насибани уялтирмади сингляси. Munавваранинг станогидан ўлдам ҳаракат қила бошлади.

Munавваранинг опаси Насибанинг фирмага ишга келганига ҳа демай ўн уч йил бўлади. Шу йиллар ичида Насиба фақат сингляси эмас, яна қанча-қанча қизларга ҳунар ўргатди. Унинг тажрибасидан баҳраманд бўлган қиз-жувонлар фирмада кўплаб топилади.

Шу кунларда Насиба «24-класс» ўруа станогининг бир йўла 13 тасини бошқармоқда. Мана уч йилдирки, Munаввара ҳам опаси Насиба каби мураккаб «24-класс» ўрув станогининг бир йўла 13 тасини бошқаряпти. Ишда бракка йўл қўймаслик жиҳатидан у устози — опасидан ўзиб кетди. Ҳамманинг ҳурматини қозонди.

Насиба ва Munавваралларнинг кичик сингляси Назира ҳам опаларн йўлидан боришга аҳд қилди. Опалари ёнига кирди. Меҳнатда ҳозир улардан қолишмаяпти. Уч опа-сингил бир-бирига ҳамдам, бир-бирига устоз. Кунлик нормаларини 120—130 процентга етказиб адо этиб, фирмада ҳурмат-эътибор қозонмоқдалар.

П. НИШОНОВ,
«Учқун» тўқимачилик-галантерия фирмасининг биринчи филиали.

ЎТЮРАК ҚИЗ

Залда бирдан чапак гуриллади...

Дўстлар қаторида ўтирган, кўзларн табассумдан чақнаб турган қизнинг лўппи юзларига беихтиёр қизиллик югурди. Ҳаяжонданми, қалбини тўлқинлантирган туйғулар кучиданми, тик қаролмай, ерга тикилди.

— Бу қизни танийсанми! — шивирлади қизлардан бири ёнидаги дугонасига.

— Бўлмаса-чи! У, ахир, районмизда машҳур-ку!

— Исми нимайди!

— Инобат.

«Инобат!» Фикран такрорлади қиз. «Уни қаерда кўрган эдим-а! Ҳа, «Узбекистон ССР 40 йиллиги» колхозида. 95 бош сигирдан ўтган йили 345 ўрнига 346,5 тонна сут топширган. Ҳозир ҳам ҳар куни 200 литргача етказиб сут соғиб олаяпти...»

Қизнинг қулоқлари остида докладчининг Инобат ҳақида айтган илиқ сўзлари анчагача жаранглаб турди:

«У ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ бу касбга қизиқар, опаси Мунаввархонга эргашиб, сут-товар фермасига ҳар куни келар эди. Мунаввархон қолоқ ҳисобланган 2-тандемга ишга ўтгач, у опасининг ўрнини эгаллади. Баъзи бировлар «энди биринчи тандем илғорликни қўлдан бериб қўяди» деган фикрга ҳам боришди. Йўқ, Инобат ва унинг дугоналари бўш келишмади. Ёш бригада бошлиғи машҳур сут согувчи Анастасия Чуднаянинг илғор тажрибаларини қунт билан ўрганди. Фермадаги барча ишлар механизациялаштирилди, сигирларни рацион асосида боқдилар. Кам меҳнат сарф қилиб, кўп ва арзон маҳсулот олишга эришилди. Бир литр сутнинг таннархи ўтган йили 14 тийинга тушди. Аввалги йилдагига қараганда қизлар колхозга 16 минг сўм кўп фойда келтиришди. Бузоқларни сунъий сут билан боқиш ва гидропоникадан фойдаланиш натижасида 30 тонна серқаймоқ сут тежаб қолишди. Етти йиллкининг якунловчи йили шундай қувончли бўлди.

Инобат Исҳоқовани ўтюрак қиз дейишади. Бу унга ярашадиган сўз. Изланувчан, ташаббускор, меҳнатсевар қизни ферма комсомоллари ўзларига етакчи қилиб олишди. Дастлаб тўрттагина бўлган комсомоллар сони тез кунда 12 кишига етди. Қизлар комсомол йиғилишларида ўқиш, дам олиш, меҳнат қилиш масалаларини тез-тез муҳокама қилиб туришади. Улар яқинда ўз дугоналари Карима Пирматова масаласини муҳокама қилишди. Каримани ишга баъзан кечикиб келиши сигирларининг сутини камайтиришига сабаб бўлган эди. Қизлар дугоналарига бу ҳақда яхшилаб тушинтиришди. Энди Кариманинг ишлари ҳам кўнгилдагидек. Бу йил бригада аъзолари «Улуғбек юлдузи» кинофильми ва «Гулисиёҳ» спектаклига культпоход ўтказишди. Комсомол сиёсий-маорифи тўгарагида ҳозир «В. И. Ленин биографиясини ўрганишаяпти...»

Инобат Исҳоковни район комсомолларн ўтюрак қиз, бизнинг фахримиз, деб таърифлашади.

М. ҚУШОҚОВ.
Калинин районн.

КОРХОНА БЕШЙИЛЛИГИ

ҚОРА ОЛТИН КАРВОНЛАРИ

А. ЛОБАЧЕВ,
«Узбекуголь» комбинатининг бош инженери

КПСС XXIII съезди ўз ишини муваффақиятли якунлади. Съезд қарорлари совет кишиларини меҳнатда янги-янги марраларга чорламоқда. Партиямизнинг бу улкан йиғинида СССР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан Директивалар ва бошқа муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Бу Директиваларда мамлакатимизнинг юксалиш одимлари ёрқин кўрсатиб берилган. Биргина **кўмир қазиб чиқариш қариб 100 миллион тонна кўпайтирилиб, 1970 йилда 665—675 миллион тоннага етказилади.**

Бу рақамлар ҳисоблаб чиқилганда Оҳангарон кўмир ҳавзасининг истиқболи ҳам назарда тутилган, албатта. Республикамиз кўмир саноатининг келажаги порлоқ. Кўмир қазиб чиқариш ҳажмини анча кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Шу ниятда ҳозир шаҳримиз кўмир корхоналарида катта ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилаётир.

Аввало шуни айтиш керакки, янги беш йилликнинг дастлабки босқичи биз учун қоятда қулай келди. КПСС XXIII съезди шарафига барча участкаларда социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, янги йилнинг биринчи кварталида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдик. Барча кўмир корхоналарида квартал топшириқлари ортиғи билан адо этилди. 9-шахтанинг биринчи участкаси коллективи квартал топшириғига қўшимча равишда 2 минг тонна кўмир тайёрлади. Кўмир разрезида ҳозир ҳар суткада қўшимча 1500 тонна «қора олтин» қазиб чиқарилмоқда. Бу ерда йил бошидан бери эшелонларга қўшимча ортилган кўмир 40 минг тоннадан ортиб кетди. Комбинат бўйича эса, биргина сортли кўмирдан 24,6 минг тонна кўп тайёрланиб, заказчиларга жўнатилди. Янги техника ва технологиянинг жорий этилиши туфайли ҳар бир ишчига ҳисоблаганда меҳнат унумдорлиги пландагидан 4,5 процент ортди.

Комбинатимиз кончилари янги беш йилликнинг дастлабки йили топшириғини муддатидан олдин бажаришга астойдил отланган. Йил давомида 4 миллион 500 минг тонна кўмир тайёрланиши керак. 1970 йилга бориб, Оҳангарон кўмир ҳавзасидан 9 миллион тонна ёқилғи қазиб олиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун кўпгина участкалар кенгайтирилиши ва янги конлар очилиши лозим.

Шу кунларда Қурама тоғ тизмалари этагида катта ерости канали қурилиши зўр суръатлар билан олиб борилаётир. Канал битгач, Оҳангарон дарёси ўз ўзанини ўзгартиради. Сўнг дарёнинг эски ўзани ва ҳозирги Социалистик шаҳарча остидаги улкан кўмир запасига қўл урилади. Олимларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига қараганда бу ерда 200 миллион тонна атрофида «қора олтин» яшириниб ётибди. Бундан ташқари канал битгач кўмир разрези ҳам лойиҳадаги қувватга эга бўлади. 1970 йилга бориб, разрездан 4 миллион 200 минг тонна кўмир қазиб олинади. Биноқорлар канал қурилишини 1968 йилга бориб тугаллашни мўлжалламоқдалар.

9-шахта реконструкцияси ҳам ҳадемай бошлаб юборилади. Реконструкция тугалланғач, шахта қуввати яна 200 минг тоннага ортади. Шунда ҳар йили 1 миллион 200 минг тонна кўмир тайёрлаш имкони туғилади.

Кўмирга туғилаётган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида Ўпартоғ разрези қурилишини бошлаб юбориш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу масала ҳозир СССР Госплани ва СССР Кўмир саноати министрлигида кўриб чиқилмоқда. Кўмир саноатини ривожлантириш хусусида ган кетган экан, газетхонларни яна бир янгиликдан хабардор қилиб қўймоқчимиз. Янги беш йилликда кўмир разрезида саралаш-сортларга ажратиш комплекси ишга туширилади. Бу комплекснинг ишлаб чиқариш қуввати 4,5 миллион тоннага тенг. Комплекснинг ишга тушиши билан тайёрланаётган кўмир сифати тағин ҳам яхшиланади.

Беш йиллик давомида ерости ишларини тўла механизациялаш, диспетчерлик ва автоматик бошқарув ягона схемасини яратиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилади. Разрез темир йўлларида автоматик сигнализацияни жорий этиш давом этади. Янги техниканинг ишга туширилиши билан йўл ишлари тўла механизациялаштирилади. Мана шуларнинг барчаси корхоналарда беш йил давомида меҳнат унумдорлигини 20—30 процентга ошириш имконини беради.

КПСС XXIII съезди қарорларидан руҳланган коллективимиз кун сайин ғайратга-ғайрат қўшмоқда, янги марраларни эгаллашда мардонавор одим ташлаб бормоқда. Мен шу ўринда ишлаб чиқаришда донг таратган кишиларимиз номини тилга олмоқчиман. Кон устини очиш разрезида экскаваторчи А. Янголни ҳамма танийди. У экипажга бошлиқ. Ўртоқ А. Янголь бошлиқ экипажи йил бошидан бери планга қўшимча равишда 60 минг квадрат метрдан кўпроқ жинсларни отвалларга етказиб берди. И. Хорошилов бошлиқ экскаваторчилар ҳам илғорлардан қолишмаяпти. Улар ғайрат билан планга қўшимча равишда юзлаб платформаларга тупроқ ва шағал ортилди. 9-шахта кончиларидан Б. Йўлдошев, В. Баскаков, кўмир разрезидан Р. Мақсумов ўртоқлар каби кўплаб коммунистлар қоятда зўр ташаббус билан меҳнат қилмоқдалар.

Янги беш йилликнинг дастлабки йилида оғизга олса арзигудек ютуқларни қўлга киритяпмиз. Лекин муваффақиятларнинг кўлами бундан ҳам кенгроқ бўлиши мумкин. Бунинг учун бир қатор камчиликларни бартараф этиш керак. Ҳозирги кунда бизнинг асосий заказчимиз ва истеъмолчимиз Оҳангарон ГРЭСидир. Лекин биз тайёрлаётган ёқилғи станция эҳтиёжларини тўла қоплаб, ҳатто ортиб қолаяпти. Шу кунларда омборларимизда минглаб тонна майда кўмир уйилиб ётибди. Фикримизча, қўшимча маҳсулотларни реализация қилиш учун қўшни республикалар электр станциялари билан ҳам шартнома тузиш керак.

Кези келганда кўмир ҳавзамизни комплекс ўзлаштириш лозимлигини қайд қилмоқчиман. Бу ерда каолинларнинг умумий запаси қариб 10 миллиард тоннани ташкил этади. Кўмир разрезининг 20 йиллик иши даврида кўмир билан бирга чиқарилган қариб 40 миллион тонна каолин бекорга ташлаб юборилади. Ахир улардан глинозем ва цемент ишлаб чиқариш учун керакли хомашё ўрнида фойдаланиш мумкин эди-ку. Шу билан бирга бу каолиндан ишланадиган глинозем ва цементнинг таннархи хомашёнинг бошқа турларидан ҳосил қилинадиган ана шундай маҳсулотлар таннархига нисбатан анча арзон бўлиши турган гап. Бу тўғрида КПСС XXIII съездида ҳам гап бўлди. Шуни ҳисобга олиб СССР Госплани бунга алоҳида эътибор бериши, шаҳримизда каолинлардан комплекс фойдаланиш ва глинозем заводи қуриш масаласини ҳал этиши лозим.

Беш йиллик энди бошланди. Олдимизда ҳали улкан вазифалар турибди. Бу вазифаларнинг тўла уддасидан чиқаоламиз. Партиямиз бизни резервларни ишнинг кўзини билиб фойдаланишга, ички имкониятларни тўла ишга туширишга, бу билан коммунизм моддий-техника базасини тезроқ яратишга чорламоқда. Бунга биз амалий иш билан жавоб берамиз.

Мамлакат экономикасини тағин ҳам тез суръатлар билан ўстиришни таъминламоқ учун янги беш йилликда бор имкониятларнинг ҳаммасидан яхшироқ фойдаланиш зарур. Совет халқининг қаҳрамонона меҳнати билан вужудга келтирилган ишлабчиқарувчи кучлар, оғир индустрияни янада ривожлантириш билан бир қаторда, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини бевосита қондирадиган ижтимоий ишлаб чиқариш тармоқларини тез ривожлантира боришга имконият беради.

(КПСС XXIII съезди Резолюциясидан).



КПСС XXIII съезди қарорларидан руҳланган халқимиз шу кунларда ҳар қачонгидан унумлироқ ва самарали меҳнат қилмоқда. Суратларда: (чапда) «Ташкент-кабель» заводи резина тайёрлаш участкаси мастери Тилла Йўлдошев вахтада туриб меҳнат қиляпти. Ўнгда: Бухоро—Тошкент газ қувурининг газ тақсимлаш станцияси.

МАРДЛАР МАЙДОНДА

ЛАВҲА

Туяўркач «Қоратухум» адирларининг бугунги жамолига сўқ билан боқасан киши. Чор тарафга ям-яшил бахмал тушалган. Қулф урган қирмизи лолалар тонг қуёши шафағида алвон-алвон товланиб, саррин ел эпкинида ҳуш бўйларини ҳар томонга уфуради. Шу адирлар этагида жойлашган серфайз қишлоқ хонадонларининг биридан йигирма беш ёшлар чамасидаги зуваласи пишиқ йигит чиқиб келди-ю, бир томони ғарб уфқи билан туташган далалар томон йўл олди. Мусаффо ҳаво дилини қитиқлаб роҳат бахш этарди унга. Юраги баҳор сувлари тошқинидай жўшқин, меҳнат қучоғига ошиқарди.

Экиш бошланганига уч-тўрт кун бўлиб қолди. Мана шу саноқли кунларнинг ҳар дами деҳқон учун олтин билан ўлчоғлик. Кузда хирмон-хирмон уюладиган «оқ олтин» хазинасининг қулфини дадил очадиган, темирни қизигида урадиган шу ғаниматт фурсатни бой бериб бўладими? Йигит мана шулар ҳақида ўзича мулоҳаза юритиб борар экан, бригада бошлиғининг кечаги айтган гаплари беихтиёр унинг хотирасига тушди.

— Жонали, — деган эди у шийпонда бир-бир пиёладан чой ичишиб ўтирилганда, — қўшни бригадаларнинг звенолари ҳар йилгидай бу йил ҳам бир-бирлари билан бел тутишмоқчи. Кўпчилиги мусобақа шартларини ҳам келишиб олишибди. Қани айтчи, сенинг ҳам мўлжалларан кишинг борми?

Жонали дарров жавоб бераолмади. Эҳтимол у тенг-қур изланаётгандир. Беллашганга яраша мусобақадошинг тадбиркор бўлса, янгиликка, техникага ихлос қўйган бўлса-ю, уста пахтакор, деб ном чиқарган бўлса... деб ўйлаётгандир.

— Менда бир маслаҳат бор, — бригада бошлиғи Умрбой ака Жоналига синовчан назар ташлар экан деди — шу дейман, аканг Акбар билан бир бел олишиб кўрмайсанми, от босмаганни той босар, деганларидай...

Жонали «қандай бўларкин» деган маъюда бригадирга қаради. Ўзича ўтган йилнинг якунларини торозига солиб кўрди. Экин майдони ҳам тенг эди, куч ҳам, техника, сув ҳам. Уша йили аканинг звеноси гектаридан 39 центнердан хирмон кўтарди. Ўзларичи? Уттиз олти яримдан. Ўрдадаги фарқ унчалик эмас. Ҳамма гап шундаки, Акбар ўн йилдан бери тракторнинг рулида, мана олти йилдирки, звенога бош бўлиб, бирон йил касбдошларидан ортда қолгани йўқ. Ҳар йили хирмони баракали, юзи ёруғ. Ҳа, шу йиллар орасида акаси катта тажриба орттирди. Пахтачиликнинг тилини беш қўлдай биладиган бўлиб қолди. Ўзи-чи? Илгари пахта ичида ўсиб-унган бўлса ҳам ўтган йили армидан қайтиб келгач акаси ёрдамида техниканинг жиловини тутди-ю, кўпчиликнинг раъйига қараб звенога бош бўлди. Ҳар нима қилса ҳам акасига қараганда тажрибаси камроқ да. Кандай бўларкин?

Шу зайлда суҳбат давом этаётганда катта картага чигит ташлаб бўлган Акбар ҳам етиб келди, у гап-сўзга қулоқ солди. Уларнинг мақсадини тушунгач:

— Кучи етармикин, ёшлик қилиб қолмасмикин, — деб сўз қотди. У ўзини баланд олиш учун эмас, укасининг юрагига қўл солиб кўриш ниятида ана шундай деди. Кейин Жоналининг гўё «Биз ҳам бўш келадиганлардан эмасмиз» деяётгандай боқишидан маъно уқиб, сўзида давом этди:

— Укамни яхши биламан, ғайратли меҳнаткаш. У билан мусобақалашсам арзийди. Ака-ука Жунисалиевлар бир интилиб кўрайлик. Бир-биримиздан тажрибамизни ҳам, керак бўлиб қолса кучимизни, техникамизни ҳам аямаймиз.

Ана шундан кейин тушки овқатга йиғилганлар иштирокида ака-ука қўл беришди. Гектаридан олинадиган ҳосил 40 центнердан кам бўлмайди, дейишди. Ҳар иккала звенонинг аъзолари ҳам шу фикрни жон-дилдан қўллаб-қувватлашди...

Жонали ана шуларни яна бир бор эслади-ю, қадамини тезлатди.

Далалар, қадрдон далалар. Кафтдай текис. Бегона ўт илдизи кўринмайди. Озуқага тўйган ер қуёш тафтини эмиб, бўрсиб ётибди. у ерлар яқин кунлар ичида ғўза ниҳолларидан ям-яшил либос кияди. Эгатлардан шилдираб муздек сув оқиб, шу ғўзалар томирига қон бўлиб югуради. Нақадар соҳибжамол бўлади, деҳқон пешана терини, юрак қўрини эмгандан кейин бу далалар.

Орадан кўп вақт ўтмади. Кеча ишдан кейин бир сидра кўздан кечирилиб, шайлаб қўйилган эмасми, Жонали рулини тутган универсал кенг далалар бағрини гулдурос овози билан тўлдириб, йўрғалай кетди. Хўв нариги картада чигит экаётган акаси универсалининг ҳам овози эшитилиб турарди.

Далада чинакам қайноқ меҳнат нафаси кезяпти. Ҳар иккала звенонинг сеялкачилари Олтинбек ҳам, Раимберди ҳам ўз ишига пухта йигитлар. Зийрак кўзлари билан дам олга, дам ортга бокишади. Чигит мўлжалга тушяптими, озуқа етарли солиняптими, уруғ юзада қолаётгани йўқми, звено бошлиқларининг ҳам, сеялкачиларнинг ҳам фикридеди ана шунда. Ўқариқ олаётганлар, жўяк очаётганлар, ўғит майдалаётганлар чим ташиётганлар... Ҳамма-ҳаммаининг ўйи, дилига туйган максади битта: Иш бошидан пухта бўлсин дейишади, мўл ҳосил учун қўяётган пойдеворимиз мустаҳкам бўлсин дейишади.

Мана, участка партия ташкилотининг секретари Ойхўжа Аҳмедов билан бригада бошлиғи Умрбой Алимбоевлар дала айланиб юришибди. Экишнинг сифатини кўздан кечиришяпти. Ҳар иккиси ҳам хурсанд. Ҳозир фақат шу бригаданинг ўзида эмас, 1710 гектар пахта майдонига эга бўлган Свердлов номли колхознинг, колаверса 950 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан хирмон кўтариш йўлида мардона курашаётган шу участкаларнинг барча бригадалари, звенолари пахта майдонларида экиш соз, жадал боряпти. Бугун эрта экиш поёнига ҳам етади. Парвариш, озиқлантириш, мурғак ниҳолларга ҳаёт суви оқизиш, мана шуларнинг ҳаммасини ўз муддатида, ғўзаларнинг талабига қараб ўтказиш учун нимаики керак бўлса, ҳаммаси тайёр. Мардлар майдонга отилиб, Партиямиз XXIII съезди директиваларида баён этилганидек хосилдорликни ошириш йўлида аналшундай жонбозлик кўрсатишаяпти.

Ойхўжа ака билан Умрбой ака карта ўртасига етиб борганларида Жонали бир нафас универсалини тўхтатди. Пешонасини тангиб олди. Марварид резаларидай юзларида йилтираган терларига чанг инган. Рухи тетик, ўз ишидан мамнунлиги, баракали хирмонга бўлган ишончи сезилиб турибди, кўз қарашидан.

— Олди бригадалар рапорт беришди, — деди Ойхўжа ака пастдан қўл узатиб Жоналининг қадоқ қўлларини сиқар экан, — сенинг мўлжалинг қалай?

— Эрта чошгоҳга бораман, — жавоб берди звено бошлиғи, — шошилмаяпмиз, бир кун кейин бўса ҳам чигит соз тушсин деяпмиз-да. Бир ишни икки қилиш одат эмас бизга. Акам шундай деб ўргатяпти. Мана, бригадамиз бошлиғи Умрбой ака ҳам биздан энг аввал сифатни сўрайди.

Партком секретари Жоналининг сўзларидан хурсанд бўлди. Ҳа, ҳар бир ишда сифат эътибор. У ҳамроҳи Умрбой ака билан Акбарлар звеноси томон йўл олар экан, «ғайрат қилавер, курашда аканг дан енгилмайсан», деди кулиб.

Жонали педални босди. Универсал бир қўзғалиб олдинга интилди. Бирозден кейин сеялкачи Раимбердининг қулоғига ёқимли қўшиқ садоси келиб урилабошлади. Жонали ўз меҳнатидан ўзи завқ олар экан, бу завқ юрагини қитиқларди. Уни қўшиқ айтишга ундарди. Шу қадрдон далалар ишки билан, «оқ олтин» ишқи билан суғориб Жоналининг дилидан кўтган шўх қўшиқ енгил эсаётган баҳор шабадаси қанотида парвоз этарди.

Усмон ЖОНГИТОВ,
Носир РИХСИЕВ,
Юқори Чирчиқ райони.

СЪЕЗД МАТЕРИАЛЛАРИ ОММАГА

«Билим» жамиятининг Тошкент область ташкилоти КПСС XXIII съезди туғаши биланоқ аҳоли ўртасида унинг муҳим тарихий ҳужжатларини пропаганда қилишни авж олдириб юборди.

Жуда кўп жамоатчи лекторлар областнинг шаҳар ва районларига жўнаб кетдилар. Улар партия съезднинг қарорлари, унинг халқаро аҳамияти ҳақида меҳнаткашларга ҳикоя қилиб бердилар.

Ташкилотнинг халқаро ҳаёт ва ижтимоий-сиёсий секциялари ташаббуси билан Калинин районидаги Куйбишев номли колхозда куни кеча олимлар ажойиб суҳбат ташкил этдилар. Суҳбат съезд қарорлари, янги беш йиллик план юзасидан съезд Директивалари ва республикамизда коммунистик қурилишнинг ана шу муҳим босқичи даврида амалга оширилаётган улкан вазифаларга бағишланди.

Тарих фанлари кандидати Б. Маннонов съезд қабул қилган қарорларнинг мамлакатимиз ҳаёти учун катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирди. Олим колхоз деҳқонларининг мамлакатимизда мўл-кўлчиликни яратишдаги ролининг янада ошаётганлиги, янги беш йилликда колхозчилар моддий жиҳатдан янада кўпроқ таъминланишлари ва қишлоқда маданий-маиший қурилишлар авж олдирилиши масалаларига алоҳида тўхтаб ўтди.

Тарих фанлари кандидати Б. Аҳмедов ўз сўзини XXIII съезднинг халқаро аҳамиятига бағишлаб, съезд қарорларининг бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши ҳақида гапирди.

ТошДУ доценти Т. Ғиёсов ва тарих фанлари кандидати М. Кутлуков ўртоқлар янги беш йилликда мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини ривожлантириш планлари, социалистик системанинг эски капиталистик дунё системасидан афзалликлари ҳақида гапирдилар. Улар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий ривожланишини Шарқдаги чет эл капиталистик мамлакатлари тараққиёти билан солиштириб, қизиқарли мисоллар келтирдилар.

Фалсафа фанлари кандидати Э. Гулметов, шарқшунослик институтининг илмий ходими О. Иноятов ва бошқа ўртоқлар эса, ўз сўзларида съезд иши, у қабул қилган қарорлар, янги бешйиллик ҳақида чет элларда билдирилган фикрлардан талай мисоллар келтириб, КПСС XXIII съезднинг халқаро аҳамиятини очиб бердилар.

Кеча пировардида олимлар йиғилган ўртоқларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

Ж. МУМИНОВ,
«Билим» жамияти область ташкилотининг референти.

(ҲИКОЯ)

БЕЛОРУССИЯ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ ОЛДИДАН

ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Филипп ПЕСТРАК
(белорус ёзувчиси)

ПАСПОРТИДА ҳам, идорага хос бошқа ҳужжатларда ҳам унинг исми-шарфи Данила Тетерюк деб юритилар эди. Лекин ҳеч бир одам уни Данила деб чақирмасди. Кўринишича, одамлар қандайдир бир Тетерюк деган фамилия ёнида улугвор Данила исмини ишлатишни номуносиб деб билардилар. Шундай қилиб Данила Данилкага айланиб кетди. Бошқа жиҳатларидан қатъий назар, ҳаддан ташқари паст бўйлик, дум-думалоқ юзлик Тетерюкнинг отинигина атаб чақиришдан бошқа илож бормиди. Шундоққина бурни тагида мўйловчаси жуда чиройли кўринарди... Эҳ-ҳе, бу ўзи қандай мўйлов эди, денг? Ҳазилкашлар учун бу зўр баҳона эди, унинг мўйловини хитойча мўйлов деб аташарди.

Данила Тетерюк одтмишларга бориб қолган бўлишига қарамай, ҳеч ким у билан жиддий муомалада бўлмасди. Данилка гапираётганда қовоқларини қанчалик уймасин, қўлларини виқор билан ўйнатмасин, барибир шунчалик эзмаланар эдики, ҳатто нима деяётганини тушуниб ҳам бўлмас эди.

Қишлоқда колхоз тузиладиган бўлиб қолди. Биринчи бўлиб колхозга ким ёзилди? Данилка ёзилди! Бу жимитвой кўча-кўйда изғиб, гоҳ у гоҳ бу одамлар тўпи орасига кириб худди шамол тегирмонининг чархпалагига ўхшаб қўл силкиб ҳаммани колхозга киришга ундарди. Одамлар ундан чўчиб, ўзаро: «Данилканг қуруқ, аравани олиб қочаверади... Унинг ўзи нима-ю, гапи нима бўларди?» деб шивирлашар эди.

Мана кунлардан бир куни райондан бошлиқлар келиб қолди. Данилка юрак ютиб печка устидан тушди-да, мажлисга отлана бошлади. Шунда хотини:

— Ҳа, қаёққа? — деб сўраб қолди.

— Қаёққа дейсанми? Ҳали эшитганинг йўқми? — Данилка хотинига жаҳл билан тикилди. — Бошлиқлар келишди, колхозга ёзиламиз.

— Колхозга ёзиламиз? Колхозни бошингга урасанми? Бошқалар ёзилаверсин. Капалак сингари пирилладі сенга нима бор!..

— Эсинг борми ўзи, — Данила хотинига насиҳатомуз, жиддий гапира бошлади. — Бошлиқлар келишди. Уларга яқин юрсанг кам бўлмайсан.

Ана шу «кам бўлмайсан» Данилка учун гўё қонун эди. У деярлик бутун умри шу нарсага амал қилиб келарди. Данилка кўпинча шу нарсага амал қилиб барака топарди. Панлар даврида бир куни қишлоққа дворян Чвартовский келиб ўрмон тозалаб, ер очишга одам ёллайдиган бўлиб қолди. Бу ишга боришга ким ҳаммани ундади? Данилка-да, бўлмаса ким бўларди? Биринчи бўлиб от эгарлаган ҳам шу бўлди. Одамлар боришиб, чакалакзорда куни бўйи азобда ер тирнаб, тозалаб машаққат чекиб ишлаб орттирганлари уйларига олиб келган бир аравадан шох-шабба бўлган эди. Данилкани эса Чвартовский қуруқ қўйгани йўқ, пулмулдан ташқари, бир қадаҳ ароқ ҳам берди. Данилка уйига хурсанд қайтар экан, тинмай дворянни мақтар эди:

— У, оғайни, ҳақиқатан ҳам ажойиб, ақлли одамда... Ҳа... ҳақиқатан ҳам ақлли!

Баъзилар унга жавобан:

— Тўғри, сендан кўра анча ақлли. — дейишар эди.

Яна бир сафар пан имениясининг иқтисодчиси ўримга одам ёллаганда ҳам Данилка қўл келган эди. Қишлоқ аҳолиси пан билан пичан ўрими масласида судлашиб қолганида Данилка одамларни «гижгижлаб» ўзи тунда паниккига қараб жуфтакни ростлаганди. Қишлоқ оқсоқоли ёрдамчиси бўлишдан ҳамма бош тортганда Данилка бу ишга рози бўлган эди. Бошлиқлар олдида гимиллаб турилда гап кўпда!

Мана энди Совет ҳукумати даврида ҳам бошлиқлар бор. «Нега энди, булар билан ҳам дўстлашиб олиш керак эмас экан? Сендан утина, мендан бугина деганларидек, — деб ўйларди Данилка. — Мен уларни хурсанд қилсам, улар ҳам мени хурсанд қилишади. У ана шуларни ўйлаб, гиллаганча йўлга тушди.

Данилка мажлисда гердайиб олиб:

— Нимангиз кетяпти? Зиён қилмайсиз, қайтага ҳамма нарсага эга бўласиз, ер ҳам, от-улов ҳам, борона ҳам, омочу бўйинтуруқ ҳамма-ҳаммаси ўзингизники бўлади. Трактор ҳам беришади. Бу бўлтак-сўлтак ерларнинг нима кераги оор, — дерди.

Данилка бақириб гапирар экан, кўз қири билан бошлиқларга — райком секретарига ва райижроком раисига менинг агитациямни сезишяптими деган маъюда қараб қўяр эди.

Бошлиқлар бу ажойиб активист эканку, деб хурсанд бўлаётгандай кўриниб турарди.

Одамлар Данилка кўкрагига уриб жон фидо қилгудек бўлса, ундан яхшилик кутишмасди, шунинг учун ҳамма ундан кулгани-кулган эди. Орқадаги бурчакдан кимдир:

— Биз-ку, ёзилишга ёзиламиз, лекин кўрамиз, сен нима қилар экансан?.. Бекорга кўп жон қўйдираверма, — деб қичқириб қўйди.

— Ким айтди сенга мени ёзилмайди деб? Ким? — Данилка шу заҳоти унинг сўзини бўлди-да, дарров райком секретарига мурожаат қилди. — Ўртоқ секретарь менга қоғоз беринг, биринчи бўлибоқ ариза берай.

Мажлис жим бўлди қолди. Одамлар қулгиларини ялпиб Данилканинг «қаҳрамонлигини» томоша қилиб туришди. У бўлса пешонасини тиришитириб, қоғозга ажи-бужи қилиб бир нималар ёзган эди ундан: «Мени колхозга биринчи бўлиб қабул қилишингизни илтимос қиламан...» деган жумла ҳосил бўлди. Тетерюк ёзиб бўлгач қоғозни юқори кўтариб ҳаммага кўрсатиб:

— Мана кўрдингларми, ёздим-ми? — деб қўйди.

Райком секретари Данилкани ёнидаги стулга таклиф қилди. Бориб стулга ўтирар экан, бошлиқлар ҳимматидан баҳраманд бўлишига ишонган бу қаҳрамоннинг дум-думалоқ юзида тантанаворлик аломати барқ уриб кетди.

ЎША КУНИ кечқурун колхозга кўпгина деҳқонлар ёзилишди. Данилка эса мен учун ҳамма иш шу билан тугайди деб ўйлар эди. У ёгига худонинг ўзи бир ол қўлим деб юборар! У райком секретарининг атрофида ўралашиб, гирдикапалак бўлаверди. Бошлиқларнинг кўнглини топсанг кам бўлмайсан-да!

Иш қуролларини умумлаштириш вақти келган эдики, Данилка яна:

— Бўлмасамчи, шундай қилиш зарур экан, демак қилиш керак! — деди.

— Хўш, бўлмасам, шундай қилиб бу ишни сендан бошлай қолайлик, — деди мажлисда колхозга ранс қилиб сайланган одам. — Сен колхозга биринчи бўлиб ёзилган эдинг, энди иш қуролларингни ҳам биринчи бўлиб топшира қол.

Данилканинг қовоғи тушиб, кутилмаган бу гапдан турган жойида қотиб қолди. Химоя кутгандек райком секретарига тикилди. Секретарь бўлса:

— Ҳа, тўғри, ўртоқ, Тетерюк, сен, ахир, аввалари ҳам активлик кўрсатиб келдинг. Ҳозир ҳам ҳаммага ўрнак бўл.

Данилка қип-қизариб кетди. «Наҳотки бу секретарь гап нимадалигини тушунмаса? Мен унга ёрдамлашган эдим, у эса ёрдам бергиси келмаяпти. У ўзи қандай бефаҳм одам экан! Наҳот, колхоз менинг асбоб-ускуналаримга қараб колган бўлса?»

— Ўртоқ секретарь — деди Данилка бир оз дадиллашиб олиб, — энди ахир, бирор-бир бошқа одам ҳам ўрнак кўрсатсин-да. Ахир, мен ҳамма учун асбоб-ускуна беролмайман-ку.

(Охири тўртинчи бетда)

Тошкентдаги астрономик обсерватория кутубхонаси китоб фондида ҳозир 27 мингдан ортиқ турли хил адабиётлар бор. Кутубхона жаҳондаги 48 мамлакат кутубхоналари билан китоб айрибошлаб туради. Суратда: кутубхонанинг старший библиографи А. Мангельдина янги келтирилган китобни кўздан кечирмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

Қайтиб келди

(Бошн учинчи бетда)

— Бера оласан, бера оласан! — деб секретарь унга далда берди.

— Бўлмаса ҳозироқ йўлга тушишимга рухсат берсангиз...

Данилка уйга боргач, хашак-хушак тагига бекитган молмулкинга тикилиб ўйлаб қолди.

— Борона, деярлик янги-я — бераверайминкан? — Йўғ-э... Постромканн эса яқиндагина боғлаган эдим... Бераверайми? Йўғ-э... Аравани ҳам олиб кўйишса, унда ўзимга нима қолади? Ҳе, секретарь бўлмай кет-эй. Аҳмоқ. У одам билан чиқишадиганга ўхшамайди. Мен бўлсам ўйлабманки... Бор-эй! — деди-да Данила уйга кириб кетди.

Данила стулга ўтириб олиб ўйлай бошлади. Шундан кейин қизининг мактаб жилтидан дафтарини чиқариб ундан бир варақ қогоз йиртиб олди-да, қаламни хўллаб ёзишга тушиб кетди...

Данилка кеч бўлгач, колхоз идорасига мажлисга борди-да, деҳқонлар тўпини ёриб ўтиб, райком секретари олдига ўз аризасини қўйди:

— Ўртоқ секретарь, мени колхоздан бўшатишингизни илтимос қиламан, — деди.

— Нега энди? — ҳайрон бўлди секретарь.

— Биласизми, ҳали олдингиздан кетгач, уйга борсам, тўсатдан... шундай биқиним санчиб қолди денг. Тамом бўлдим деб ўйладим. Ёлгон гапираётган бўлсам турган жойимда ёрилиб ўлай.

Бутун залдагилар гуриллаб кулиб юборганидан деразалар ҳам зириллаб кетди. Кимдир залнинг бир бурчагидан:

— Ўртоқ секретарь, биз шундай бўлишини олдиндан билган эдик, — деди.

Данилка қандай гойиб бўлиб қолганини секретарь сезмай ҳам қолди. Қаёққа кетди? Одамларнинг:

— Унга йўл беринглар! Йўл беринглар! Бечорани яна биқини санчиб қолмасин!.. — деб кулишаётганигина эшитилиб турар эди!..

Данилка қишлоқдан гойиб бўлди.

...Тунлари ётиб сигирларни ўйлаб ташвишланган-ташвишланган эди. Кўз олдидан ҳамма нарсалар кетма-кет ўтиб, уйқуси келмасди.

У, мана, уч ойдирки қушхонада ишлайди — сигирларни пичоққа тўғрилаб беради.

Бу кушхонада ишласангу, кам бўлмайсан-а, аммо... мана бу кечалари тушингга киравергани ёмонда.

У баъзан хотини билан уришиб:

— Ҳаммасига сен сабабчисан, — дерди.

Хотини ҳам бўш келмай:

— Қишлоқдан сени мен қувиб чиқарибманми, — деб жаҳли чиқарди.

БИР ЙИЛ-ИККИ ЙИЛ ўтди. Данила кушхонада бир оз бойиб олди, лекин қишлоқ ҳақидаги фикрлари унга сира тинчлик бермади. У ерда қандай бўлдийкин? Нима гаплар бўлаётган экан? Ҳамқишлоқлари билан учрашиб қолгудек бўлса, ҳар нарсаларни сўрайвериб эси кетарди Унга отхона ҳақида, хирмон ҳақида, трактор ҳақида, яқинда қишлоқда етти йиллик мактаб қурилиши ҳақида гапираверар эдилар.

— Ишларингиз зўр-ку! — деб Данилка бошини қимирлатар, лекин қулоқларига ҳеч нишонгси келмасди.

— Меҳнат кунимизга уч килодан жавдар олдик. — дейишарди унга колхозчилар. — Ҳамманинг қорни нонга тўйди.

— Йўғ-э? — ҳайрон бўлди Данилка. — Ҳеч бир ерда бунчалик кўп ҳақ бермайдилар!

— Данилка, қишлоққа қайт, — дейишарди унга ҳамқишлоқлари.

Данилка уларнинг гапларини эшитиб хўрсиниб қўяр, лекин ҳеч нарса демасди. У ерда ҳамма ундан кулса қандай бўлади? Қандай қилиб одамларнинг кўзига кўринади?

«Ана шу кунлардан бошлаб Данилка қишлоқни согинадиган бўлиб қолди. Кечалари ўйлаб уйқуси ўчиб кетадиган бўлди... Бу шаҳарда бутун бошли оиласи билан кичкинагина бир каталакда тиқилиб ётибди, қишлоқда эса каттакон кўргонда яшар эдим. Унда боғим ҳам, экин-тикиним ҳам бор эди. Уларнинг ҳузурини одамлар кўриб ётибди, мен бўлсам...

Қушхонадаги бир воқеа Данилканинг жуда жаҳлини чиқариб юборди. Пичоқ тортишга тўғрилаб берган бир сигир ўзининг бир пайтдаги сигирининг худди ўзгинаси эди. Бир пайтлари тирикчилигида кўмаклашган Кветка деган сигирига ўхшаган молни сўйишга ҳайдаб борар экан, оёқ-қўли бўшашиб кетди.

Данилка уйига келиб ҳамма гапни хотинига айтиб берди. Фигони ошиб, ўзини ҳам, райком секретарини ҳам, ҳамқишлоқларини ҳам роса койиди... Бошини ирғаб:

— Йўқ, эндиги бошлиқлар панлар даврндаги бошлиқларга сира ҳам ўхшамайди. Мен аҳмоқ бўлсам ,ер юзида ҳақиқат йўқ деб юрибман... Энди бўлса... Йўқ, бу ерда бир гап бўлса керак... Эндиги бошлиқлар бошқача!.. — деган гапларни қайтараверди.

Кейин:

— Агар ҳамма ишлар ҳақиқатга асосланган бўлса борми, ҳалигача бундай бўлмаган бўлардн. Балки шундай бўлар? Майли, ишқилиб, худоё худовандо шундай бўлсин.

Данилка хўрсиниб, яна ўзининг Кветка деган сигирини уйлаб кетди. Шунда кушхона кўзига яна ҳам ёмон кўринди. Далаларда юргиси, омоч ҳайдагиси келди. Лекин энди қишлоққа қайси юрак билан қайтиб борсин?

ЭРТАСИГА Данилканинг уйига ҳамқишлоқлари келиб қолишди. Улар, қишлоқда шунақанги ҳам ҳосил йиғиб олиндики, бундайини одамлар тушида ҳам кўрмаган, жавдар билан арпа ҳам, сули билан картошка ҳам жуда мўл бўлди, деб ҳикоя қилишди.

— Сенинг кўргонинг ўрнида ҳозир арпа аралаштириб сеплган беда тиззага ўриб ётибди:

— Ростданми? — ҳайрон бўлиб сўради Данилка. — Ахир, мен қанча ҳаракат қилсам ҳам, у ерда беда бўлмасди-ку. Қаранг, энди яхши бўлганини...

— Шунақа, оғайни, яқинда ўримга тушамиз!

— Қойил, жуда ҳам қойил, — дер экан, Данилка қишлоққа қандай қилиб қайтиб бориш ҳақида ўйлар эди.

У ҳамқишлоқлари олдида ўйлай-ўйлай охири:

— Ҳа... энди қишлоққа қараб туёғимизни шиқиллатмасак бўлмайдиганга ўхшайди, — деди. Шундан кейин Данилка қишлоққа қайтиб келди.

Русчадан Усмон ШАМСИМУҲАМЕДОВ таржимаси.

ТАСС АХБОРОТИ

«ЛУНА-10» ПАРВОЗДА

Ойнинг биринчи сунъий йўлдоши — «Луна-10» автоматик станциясн Ой атрофидагі орбита бўйлаб ўз парвозини давом эттирмоқда. 12 апрель соат 00 гача йўлдош Ой теварагини 65 марта айланиб, 970 минг километр йўл босди.

Йўлдош Ой атрофидаги орбитага чиқарилган пайтдан бери у билан 42 марта радиоалоқа сеанси ўтказилди. Шу сеанслар вақтида илмий приборлардан катта ҳажмдаги ахборотлар олинди ҳамда йўлдош орбитаси параметларининг ўзгаришини тадқиқ қилиш мақсадида траектория ўлчовлари ўтказилди. Ўлчов натижалари ишлаб чиқилмоқда ва анализ қилинмоқда.

Телеметрия маълумотларига кўра, йўлдошга ўрнатилган ҳамма системалар нормал ишлаб турибди. Прибор бўлмасидаги босим ва ҳарорат белгиланган доираларда бўлмоқда.

КПСС XXIII съезди ўз ишини тамомлаган куни йўлдошдан яна интернационал куйи эшитилди.

Бу тантанали куй 12 апрелда космонавтика куни шарафига таги бир бор жаранглаб садо берди.

ШАХМАТ

Суратда: Ф. Дадамирзаева (Андижон область) ва Р. Портон (Тошкент) ўртасида ўйин пайти.
Б. Мазур фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЭР-ХОТИН ПЕШҚАДАМ

Пойтахтдаги марказий шахмат-шашка клубида шахмат бўйича бир йўла икки чемпионат ўтказилянти. Эркаклар Ўзбекистоннинг навбатдаги XXXI чемпионатини ўтказишаётган бўлса, аёлларнинг бу биринчилиги XXV— юбилей мусобақасидир.

Эркаклар турнирида тошкентлик спорт мастери Г. Борисенко ғолибона юриш қилмоқда. У Л. Баренбаум ва Б. Перевозников, Десятовларни мағлубиятга учратди, фарғоналик ёш шахматчи, мастерликка кандидат В. Манин билан бўлган ўйинни дуранг қилди.

Тўрт турдан кейин Г. Борисенко 3,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. И. Бирбрагер уч имкониятдан учта очко тўплади.

Аёллар турнирида СССРнинг бир неча марта чемпиони, Г. Борисенконинг рафиқаси халқаро мастер В. Борисенко олдинда бормоқда.

Тўрт турдан сўнг В. Борисенко 4 очко олди.

И. БИРБРАГЕР,
СССР спорт мастери.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

СОВЕТ КОСМОНАВТИ А. А. ЛЕОНОВ ПАРИЖДА

ПАРИЖ, 11 апрель. (ТАСС). Парижликлар Совет космонавти А. А. Леоновни гуллар тутиб ва дўстона қўл қисиб кўришиб кутиб олдилар. А. А. Леонов космонавтика куни байрами муносабати билан бугун Франция пойтахтига келди.

Ёмғир ёғаётганига қарамай, жамоатчилик ва матбуотнинг жуда кўп вакиллари Москвадан жўнаган самолёт келиб кўнишдан анча олдин «Бурже» аэродромида тўпландилар.

ХУАН БОШ ПРЕЗИДЕНТ ЛАВОЗИМИГА НОМЗОД

ГАВАНА, 11 апрель. (ТАСС). Доминикана революцион партиясининг миллий конференцияси шу партиянинг раиси, республиканинг собиқ президенти Хуан Бошни Доминикана Республикасида 1 июнда ўтказиладиган президент сайловларида шу партия номидан яқдиллик билан номзод қилиб кўрсатди.

Хуан Бош конференцияда сўзлаган қисқа нутқида мамлакатнинг Америка қўшинлари томонидан босиб олинганлигига тўхталиб ўтди. Х. Бош қўйидагиларни айтди: «президентликка кўрсатилган ва сайловда ғалаба қиладиган номзод ўз зиммасига катта жавобгарлик олади, чунки у кўксига чет эл ҳанжари қадалган мамлакатни ўз қўлига олади».

Хуан Бош, деб хабар беради Пренса Латина агентлиги, ўз тарафдорларини сайлов олди кампаниясида актив қатнашишга, сайловда ғалаба қозониб, «мамлакатнинг суверенитети ва миллий шаъни — шарафини тиклаш»га чақирди.

ИОРДАНИЯ. Мамлакатнинг жанубий районларида 13 соат давомида узлуксиз сел ёғиб турди. Кўпгина жойларни сув босди. Биргина Маан шаҳрида 60 га яқин киши ҳалок бўлди, юзлаб кишилар жароҳатланди, қариб 3 минг киши бошпанасиз қолди. Суратда: сув босган районда қутқариш ишлари олиб бориляпти.

ЮПИ — ТАСС фотоси.

ОЛҒА ҚАРАБ ҚЎЙИЛГАН ЯНГИ КАТТА ҚАДАМ

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ КПСС XXIII СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИНИ КЕНГ ШАРҲЛАМОҚДА ВА БУ СЪЕЗДНИНГ ҲАЛҚАРО МИҚЕСДА ЖУДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДА

БОЛГАРИЯ

КПССнинг XXIII съезди ўз бурчини бажарди ва халқлар кутган ҳамда умид қилган ишларни рўёбга чиқарди деб ёзади ҳафталик «Поглед» газетаси. Съезд коммунистик қурилишни янада кенг авж олдиришнинг равшан ва аниқ программасини белгилаб берди,

Қардош партияларнинг вакиллари, деб таъкидлайди газета, КПСС билан, Совет сиёсати билан бирдам эканликларини ёрқин намойиш қилдилар. Съезд ўз ишини тамомлаган ҳозирги пайтда рўйи-рост айтиш мумкинки, бу съезд бирлик минбари бўлди. Бу эса, халқаро коммунистик ҳаракатнинг келгусидаги фаолиятига, шубҳасиз, жуда яхши таъсир кўрсатади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

«Земедельске Новини» газетаси ёзади: съезднинг асосий якунлари шундан иборатки, янги беш йиллик план юзасидан Директивалар тасдиқланди ва саноатда раҳбарлик қилишнинг янги принциплари қабул қилинди. Бу принциплар илмий асосда ёндошишга ва корхоналарнинг ҳуқуқлари ҳамда хўжалик фаолиятини кенгайтиришга асосланган. Съезднинг моддий фаровонлигини ошириш учун реал заминлар вужудга келтиради.

Газета бу съезд қардош социалистик мамлакатлар учун ва марксчи-ленинчи партиялар учун катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтади.

ВДР

Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг марказий органи «Нян Зэн» газетаси редакцион мақола босиб чиқарди. Газета бу мақоласида Вьетнам халқининг Америка агрессиясига қарши, миллий озодлик йўлида олиб бораётган адолатли курашини астойдил қўллаб-қувватлаётган л и г и учун Вьетнам халқининг КПСС XXIII съездига самимий ташаккурини изҳор қилади.

Бизни энг кўп ҳаяжонлантирган нарса шу бўлдики, дейилади мақолада, КПССнинг XXIII съезди ўзининг охирги мажлисида Вьетнам тўғрисида бир овоздан баёнот қабул қилди. Баёнотда бундай дейилади: съезд «Америка Қўшма Штатларининг қардош Вьетнам халқига қарши ваҳшиёна агрессиясини қаҳр-ғазаб билан қоралайди». Газета қўйидагиларни таъкидлайди: КПСС XXIII съездининг ва бошқа қардош партияларнинг қўллаб-қувватлаши Вьетнам халқининг Америка агрессиясига қарши, миллий озодлик учун олиб бораётган кураши бутун дунё халқларининг тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун кураши билан маҳкам боғланганлигини ифода этади.

ЧИЛИ

«Сигло» газетаси «Олға қараб қўйилган янги катта қадам» сарлавҳали бош мақоласида XXIII съезд ишларининг якунларини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзади: «съездда қилинган асосий докладлар ва умуман ҳамма нутқларнинг жиддийлиги ва чуқурлиги — съездга хос энг муҳим хусусиятдир. Бу эса, сиёсий фикрнинг етуклигини ва бирдан-бир тўғри сиёсий йўл изчиллик билан амалга оширилаётганлигини ифода этади».

Мақолада айтиладики, съездда яна таъкидланган Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати социалистик лагернинг бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва миллий озодлик йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

АРГЕНТИНА

Аргентинадаги йирик буржуа газетаси «Мундо» қуйидагиларни ёзади: съезднинг Марказий Комитет ҳисобот доклади юзасидан қабул қилинган резолюциясида СССРнинг халқаро аҳволи ва ички тараққиётига баҳо берилди, партия ва Совет ҳукумати ташқи сиёсатининг йўналиши кўрсатилди, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўллари белгиланди, партиянинг идеология ҳамда ташкилий ишлари билан боғлиқ бўлган масалалар белгилаб берилди. (ТАСС)..

«ИОАННА» ТАНКЕРИ БИЛАН ИШЛАТИЛГАН НАЙРАНГ

ДОРУССАЛОМ, 11 апрель. (ТАСС). Бу ерда олинган хабарларга қараганда, Грециянинг «Иоанна» танкери бугун эрталаб «ремонт қилиш учун» Мозамбиқдаги Бейра порти докига келтирилган.

«Иоанна» танкерида Смит бошлиқ Жанубий Родезия режими учун мўлжалланган 18 минг тонна нефть бор. Бу танкер бир неча кундан буён Мозамбик соҳиллари яқинида турар эди. Жаҳон жамоатчилигининг тазйиқи остида Жанубий Родезия ирқчилари танкерни Бейрага келтириб, нефтни бўшатиб олишга жўраст эта олмадилар. Шундан кейин, улар «Иоанна» танкерини «ремонт қилиш» баҳонасини ўйлаб топдилар.

Бу ҳол Ян Смит ва унинг ҳомийларига танкердаги нефтни бўшатиб олиб, нефть қувури орқали Бейрадан Жанубий Родезия территориясига юбориш имконини беради.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ОБОД, ОЗОДА БЎЛСИН

ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

Ўлкамизда жазирама ёзнинг бошланишига жуда оз вақт қолди. Йилнинг ана шу иссиқ фаслида жонажон шаҳримизнинг ҳар бир бурчаги тоза, озода ва салқин бўлиши учун курашиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир.

Яқинда Тошкент шаҳар ижроия комитетида республикамизда санитария тозалаш ва ободонлаштириш икки ойлиги ўтказилаётганлиги муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ташкилотларининг, коммунал, ободонлаштириш, даволаш ва ўқув муассасалари, санитария-эпидемия станциялари, милиция органлари ва бошқа кўпгина ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

Улар ўтган йили ва шу йилнинг биринчи квартали давомида шаҳарни ободонлаштириш соҳасида анчагина ишлар қилинганлигини қайд қилишди. Кўча, уйжой кварталлари, ҳовлиларни тоза ва озода тутиш борасида намуна бўладиган мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи **Ш. Исломов** ўз сўзида бир қатор намунали ишларни қайд қилиб ўтди ва ободонлаштириш соҳасида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳақида ҳам гапирди.

Шаҳардаги ариқларнинг ҳозирги аҳволига бир назар ташлайлик. Бир неча кундан кейин барча магистрал каналларга сув қўйилади. Лекин, бу каналларнинг ҳаммаси ҳам яхшилаб тозаланган, ариқларга сув тарқатишга тайёр деб бўлмайди. «Оққўрғон» каналини ҳозирлаш вазифаси Киров ремонт қурилиш трести (бошқарувчиси ўртоқ Осипов) зиммасига юклатилган эди. Аммо ҳозиргача каналга қўл ҳам урилмаган. «Тўрт», «Ялангоч» (Куйбишев райони) йирик магистрал каналларида аҳвол бундан ҳам ачинарли. Майда ирригация шохобчалари ҳам сув қабул қилиб олишга тайёр эмас. Бунга, аввало, район коммунал хўжаликлари айбдордирлар.

Ҳар бир кўча ва ҳовлини тоза ва озода тутиш барча кишиларнинг жонажон иши бўлмоғи лозим Афсуски, шаҳардаги «Қаҳрамон», «Янги турмуш», «Фаол», «Шарқ гули» ва бошқа маҳаллаларнинг аҳолиси буни тушуниб етмаганга ўхшайди. Бу маҳалла активлари ободонлаштириш ишларига жамоатчиликни кенг жалб қилмаётир.

Кенгашда 108 ташкилот ва корхонанинг шаҳарни тозалаш ва ободонлаштириш бўйича ўтказилаётган тадбирлардан ўзларини йироқ тутаётганликлари кўрсатиб ўтилди Баъзи корхоналарнинг раҳбарлари кўрабилатириб кўча, майдон ва ариқларнинг ифлослашишига йўл қўядилар. Кўп ва қогоз комбинатлари, консерва, гипс буюмлари, карборунд ва 6-пиво заводлари, тепловоз депоси ва бошқа корхоналар жуда кўп яшил кўчатларнинг нобуд бўлиб кетишига сабабчи бўлдилар. Улар «Равшан», «Жарариқ», «Салор» канали ҳамда майда ирригация шохобчаларига ишлаб чиқариш чиқиндиларини ағдарадилар.

Шаҳар ижроия комитети жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг участка вакиллари, санитария-эпидемия станциялари шаҳарнинг ифлосланишига сабабчи бўлаётган ҳолларга қарши етарлича курашаётганлари йўқ.

Шаҳар ижроия комитетининг раиси **Х. Асомов** ва раис ўринбосари **П. И. Садименко** ўртоқлар кенгашда сўзга чиқиб, кўчаларни, ҳовли, гулзор, хиёбон ва майдонларни тозалашни мумкин қадар тезроқ тугаллаш зарурлигини яна бир бор уқтириб, бу ишга бутун жамоатчиликни, шаҳарнинг барча аҳолисини жалб қилиш зарур, эканлигини уқтирдилар. Бу иш кампания характерида бўлмай, балки доимий мунтазам олиб борилиши зарур. Шу мақсадда ҳар бир корхона, муассаса, ўқув юртн, қурилиш ва бошқа ташкилотларга муайян кўча ва кварталлар биркитиб қўйилади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг санитария тозалиги ва ободонлаштириш икки ойлигини ўтказиш ҳақидаги қарорини шаҳар меҳнаткашларига кенг тушунтириш, ана шу ишларга барча шаҳарликларни жалб қилиш ва пойтахтнинг ҳар бир жойини тоза, озода ва обод қилишга қарор қилинди.

ХАШАР

Ўтган якшанба куни пойтахтнинг Чилонзор райони меҳнаткашлари эрталабданоқ уюшқоқлик билан район территориясининг санитария аҳволини яхшилаш ва ободонлаштириш учун ҳашарга отландилар. Камолон маҳалласининг аҳолиси ҳам бу ҳашарда актив қатнашди.

Маҳалланинг 250 кишидан иборат аҳолиси якшанба куни Бешёғоч тўғонидан Камолон маҳалласининг атрофигача бўлган ариқ-зовурларни тозалаб қўйишди. Кўчалар супирилиб, сув сепилди.

Маҳаллани ободонлаштиришга киришилганига анча бўлган. Шу баҳорнинг ўзидаёқ тўрт минг тупдан ортиқ хар хил мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди. Активлардан У. Тожиев, Г. Азизов, Ю. Ҳасанов, И. Аҳмедов ва бошқа ўртоқлар маҳалланинг санитария аҳволини яхшилаш ва ободонлаштириш юзасидан белгиланган тадбирларни бекаминўст амалга оширишда ҳаммага бош-қош бўлишаяпти.

Камолонликлар ўз маҳаллаларининг районда энг озода ва обод маҳаллалардан бўлиб қолиши учун курашаяптилар.

М. ҲОШИМОВ.

Камолон маҳалла комитетининг секретари

* * *

Фараз қилинг: айни ёз палласи, жазирама иссиқ. Шунда сиз ўзингизни салқинга, довдарахтлар соясига урасиз. Дарахтлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Мева-чева ҳам кўп бўлади, соя-салқини иссиқ кунларда сизга хузур бахш этади.

Октябрь районидаги Авангард маҳалласининг жамоатчилиги кўчаларни тозалаш ва ободонлаштиришга катта эътибор бермоқда. Бу йил Шерозий, Коробов, Жемчужная, Айний, Омонгелди, 1 ва 2-Денов, Саргузашт кўчаларини кўкаламзорлаштиришга барвақт киришилди. Ҳозиргача ана шу кўчаларга 2 мингдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ариқлар, зовурлар тозаланди, ҳовлиларнинг санитария аҳволи яхшиланди.

Бу кўчаларга икки-уч йилдан кейин келсангиз, ўзингизни бамисоли сўлим боққа кириб қолгандек ҳис этишингиз турган гап. Ўшанда руҳингиз тетик, дилингиз равшан тортади.

Б. ОРИФХУЖАЕВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Юлдуз-ча** тележурнали, 19.00 — Белорус адабиёти ва санъатининг Ўзбекистонда бўлаётган декадаси олдидан. Якуб Колас. **Ватанга куй айтаман масрур**, 19.40 — **Ўзбекистон чорвадори** (чорвадорлар учун махсус программа)

20.40 — **Эртаги кун программаси.**

Рус тилида: 20.45 — **Телевизион янгиликлар.**

21.00 — **Белоруссия телестудияси эшиттиришлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Белорус адабиётининг кичик декадаси** (болалар учун), 18.40 — **Тошкент янгиликлари**, 18.50 — **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар ижросида), 19.20 — **Талабчан аёл** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.45 — **Замондош** (телеочерк), 21.05 — **Тошкент янгиликлари**, 21.15 — **Номсиз орол** (телефильм), 21.45 — **Енгил ҳаёт** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/IV да **Боғчасарой фонтани**, 14/IV да **Аида.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/IV да **Биринчи муҳаббат**, 14/IV да **Қотил.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/IV да **Равшан ва Зулхумор**, 14/IV да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

Денгиз болалари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Уша тунги бўса — САНЪАТ САРОЙИ, «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр (1 ва 2-серия)— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ева ухламоқчи — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 9-45 минутда).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Мустай Карим асари

Ой тутилган тунда

3 пардали трагедия.

Ўзбекистон халқ шоири **Зулфия** таржимаси.

Саҳнага қўювчи — Бошқирдистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Ш. М. Муртазина**, рассом — РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **М. А. Арслонов**, режиссёр — **Ҳ. Аппанов.**

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

13 апрелда

УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Концертда: **Қубондиқ Искандаров, Исҳоқ Катаев, Ойхон Еқубова, Роҳатой Маннонова, Саида Толибохунова, Мунаввар Акромова, Отажон Ражабов** ва ўзбек халқ чолғу ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар Эстрада театри кассасида ва район кассаларида сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

қишки мавсумнинг епилиши олдидан

13, 14, 16, 17 апрелда

„ЛЎЛИЛАР“

АТТРАКЦИОНИНИНГ

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ

Томошалар кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

17/IV да 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да.

Тошкент шаҳар Октябрь район медицина ходимлари союзи район комитети ва соғлиқни сақлаш бўлими 9-поликлиникининг бош врачи ўртоқ Т. Х. Файзиевага онаси

Хайрибиби ШОАБДУХОЛИҚОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қиладилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232, Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Партия турмуши — В35811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — В33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08307. ИНДЕКС 64969. Г. 1095.